## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ

# ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

қадар юқорида зикр этилган кўптомонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини амалга ошириш юзасидан тадбирлар режасини ўзаро мувофиқлаштиришни якунлаш ҳамда ташкил этилган тўртта мутахассислар гуруҳининг тўлақонли фаолият бошлаши зарурлигини қайд этадилар. Савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг замонавий шаклларига ўтишга, мамлакатларимиз ўртасида савдо айирбошлашнинг ўсишига, норматив-ҳуқуқий асосларнинг уйғунлашувига, маҳсулотлар, капиталлар, хизматлар ва технологияларнинг эркин ҳаракати учун қулай шароитлар яратишга имкон берадиган изчил саъй-ҳаракатларга эътибор қаратиш муҳимдир.

Давлатлар раҳбарлари ШҲТ доирасидаги интеграцион жараёнларга туртки бериш мақсадида қабул қилинган ва режалаштирилаётган чора-тадбирлардан ташқари ШҲТ Тараққиёт жамғармаси ва ШҲТ ишбилармонлар Кенгашига асос солишга киришиш фурсати етди, деб ҳисоблайдилар ва ушбу лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тегишли ҳужжатларни имкони қадар қисқа муддатда тайёрлашни ШҲТ Котибияти зиммасига юклайдилар.

Умуман, Москва саммитидан сўнг ўтган давр мобайнида турли соҳалардаги ҳамкорлик ривожини ижобий баҳолаган ҳолда давлат раҳбарлари ташқи иқтисодий ва ташқи савдо фаолияти, транспорт, мудофаа, маданият, фавқулодда вазиятлар оқибатларини тугатишга масъул вазирликлар ҳамда ШҲТга аъзо давлатларнинг бошқа тузилмалари ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳамжиҳатлиги ва самарадорлигини таъминлаш заруратига эътибор қаратадилар. Бунда вазирликлар ва идоралар раҳбарлари Кенгаши институтининг фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида ҳамкорликнинг ҳуқуқий меъёрларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тез фурсатда якунлаш ҳамда эришилган келишувларни ўз вақтида бажариш алоҳида аҳамиятга эга.

Ташкилот доирасидаги ҳамкорлик ривожи кун тартибига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш масалаларини киритиш зарур. Тегишли вазирликлар ва идоралар ҳамда илмий муассасалар келгуси йилдаёқ ШҲТнинг бу соҳалардаги стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича ўзаро ишларни бошлашлари мумкин.

### III

Давлатлар раҳбарлари блок ташкилоти бўлмаган ҳамда тенг ҳуқуқли шериклик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва очиқлик тамойилларига асосланган ШҲТнинг собитқадам ривожи ва мустаҳкамланиши халқаро тараққиётнинг устувор тамойилларига жавоб беришига, халқаро мулоқот доираларининг кенгайишига хизмат қилишига ишончлари комил.

ШҲТ глобал ва минтақавий барқарорликка хавф солаётган янги таҳдидлар ва хуружларга қарши курашда халқаро саъй-ҳаракатларни жипслаштиришга қодир янги хавфсизлик архитектурасини мукаммал шакллантиришда фаол иштирок этишга тайёр. Шу мақсадда ШҲТ бошқа давлатлар ва халқаро тузилмалар, авваламбор, БМТ билан ҳамкорлик қилади, нафақат ШҲТ маконида, балки бутун дунёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади.

Давлатлар раҳбарлари терроризм ва экстремизмнинг янги шиддатли фаоллашуви муносабати билан катта ташвиш билдирадилар. Террорчилар турли мамлакатлар ва дунё минтақаларини нишонга олмоқдалар. Терроризм вазиятга тез мослашмоқда, замонавий техника воситаларини қўлламоқда, ечими топилмаган ҳар қандай низолардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга тайёр.

Глобал терроризм таҳдидига қарши минтақа, субминтақа ва миллий тизимларга таянган марказий ядро сифатида БМТ билан ҳамкорликдаги глобал аксилҳаракатлар тизими қўйилиши лозим. Шу билан бирга террорчиларнинг амалиётларига нафақат муносиб жавоб бериш, балки уларнинг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар муҳимдир.

ШҲТга аъзо давлатлар терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашнинг самарасини ошириш мақсадида хавфсизлик соҳасида ҳамда умумий манфаатлар ҳимояси йўлида ҳамкорликни мустаҳкамлайверадилар. Давлатлар раҳбарлари бу таҳдидларга қарши курашда мувофиқлаштириш ишини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқни ҳимоя этиш идоралари ва махсус хизматлар иштирокидаги аксилтеррор машғулотларини ўтказиш мақсадга мувофиқ эканини таъкидлайдилар.

Давлатлар раҳбарлари хоҳ халқаро терроризм ёки минтақавий низолар ва зиддиятлар сингари замонанинг мураккаб хуружларига халқаро ҳуқуқ норма ва тамойилларига риоя қилган ҳолда давлатларни турли тоифаларга ажратмасдан кўп томонлама ва кооперативлик асосида жавоблар топишлари мумкин ва шарт, деб ҳисоблайдилар. Глобаллашув шароитида фақат шундай муносабатгина халқаро хавфсизлик ва барқарорликни таъминлайди. ШҲТ ўз фаолиятида ана шу тамойилларга қатъий амал қилишга интилади ҳамда барча давлатлар ва кўп томонлама бирлашмалар билан ана шу концептуал асосда фаол ҳамкорликка тайёрлигини билдиради.

ШҲТ ўзининг қўшнилари ва дунёнинг бошқа мамлакатлари билан уйғунликда ҳаёт кечираётган, тинч, осойишта ва фаровон Афғонистонни тиклашдан манфаатдорлигини билдирган ҳолда, мамлакатда кенг вакилликдан иборат ҳукумат шаклланаётганини олқишлайди.

ШҲТга аъзо давлатлар бу мамлакатда халқаро дастурларни амалга оширишда БМТнинг марказий мувафиқлаштирувчи ролини эътироф этиб, хавфсизлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш мақсадида терроризм, экстеремизм ва наркобизнесга қарши курашда халқаро ҳамкорликни рағбатлантириш, шунингдек, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича зарур шароитларни ташкил этишга ҳаракат қиладилар.

### IV

Давлатлар раҳбарлари Осиё-тинч океани минтақасидаги барча минтақавий бирлашмаларнинг конструктив ҳамкорлиги, шубҳасиз минтақада жойлашган барча мамлакатларнинг тинчлик, барқарорлик ва фаровонлик учун аниқ аҳамиятга эга эканини таъкидлайдилар.

Давлатлар раҳбарлари Осиё-тинч океани минтақасида фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва форумларга мурожаат этиб, улар ўртасида тегишли битимлар тузиш, жумладан, ўзаро бир-бирларига кузатувчи мақомини бериш орқали кўп томонлама бирлашмаларнинг босқичма-босқич шериклик тармоғини ташкил этишга киришиш таклифини киритдилар.

Давлатлар раҳбарлари бу таклифнинг амалга оширилиши барча иштирокчиларнинг тенг даражада манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, амалдаги БМТ низоми ва халқаро ҳуқуқ доирасида Осиё-тинч океани минтақасида хавфсизлик ва ҳамкорликнинг кооператив тизимини шакллантиришга кўмаклашган бўлар эди, деб ҳисоблайдилар.

**Н. НАЗАРБОЕВ,**
**Қозоғистон Республикаси Президенти**
**Ху ЦЗИНЬТАО,**
**Хитой Халқ Республикаси Раиси**
**А.АКАЕВ,**
**Қирғизистон Республикаси Президенти**
**В.ПУТИН,**
**Россия Федерацияси Президенти**
**Э. РАҲМОНОВ,**
**Тожикистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Тошкент шаҳри, 2004 йил 17 июнь.

## Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисида

# БИТИМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Россия Федерациясидан Ўзбекистон Республикасига ҳарбий мақсаддаги маҳсулотларни етказиб бериш;

— Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд ҳарбий техникани, бунга ҳарбий-ҳаво кучлари ва ҳаводан мудофаа воситалари ҳам киради, соғлом ҳолатда сақлаш ва модернизациялаш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида мавжуд саноат-техника базасидан фойдаланган ҳолда;

— Россия Федерациясининг ҳарбий ўқув муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун зобит кадрларни тайёрлаш;

— Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси қуролли кучларининг ҳарбий тайёргарлиги қўшма тадбирларини ўтказиш, шунингдек ушбу мавзудаги Томонлар ўтказадиган тадбирларда қатнашиш;

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд бўлган инфратузилмадан фойдаланган ҳолда Ер ва космик фазони тадқиқ этиш давлатлараро космик дастурларини амалга оширишда ҳамкорлик.

Икки томонлама ҳарбий-техникавий ҳамкорлик жараёнида яратилган интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлақ ҳуқуқлар тўғрисидаги масала тегишли ҳукуматлараро битим тузиш орқали тартибга солинади.

**8-модда**

Хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни сақлаш мақсадларида Томонлар зарур ҳолларда бир-бирларига алоҳида битимлар асосида ўзларининг ҳудудларида жойлашган ҳарбий объектлардан фойдаланиш ҳуқуқини берадилар.

**9-модда**

Томонлар қуйидаги соҳалардаги интеграция ва ҳамкорликни жадал ривожлантириш мақсадида савдо-иқтисодий ҳамкорлик доирасида келишилган саъй-ҳаракатларни бажариш мажбуриятини оладилар:

— ёнилғи-энергетика комплекси;

— авиақурилиш;

— транспорт ва коммуникация;

— банк соҳаси;

— энергетика;

— атом энергиясидан тинч йўлда фойдаланиш.

**10-модда**

Томонлар ўзаролик асосида бир-бирларига ўз ҳудудларидаги инвестициявий ва хусусийлаштириш лойиҳаларида иштирок этиш учун максимал қулай шароитлар яратадилар.

**11-модда**

Томонлар икки томонлама ва кўп томонлама асосда Марказий Осиё минтақасидаги интеграцион жараёнлар доирасида иқтисодий, гуманитар ва бошқа лойиҳа ҳамда дастурларни амалга оширишда ўзаро ҳамжиҳатлик қиладилар.

**12-модда**

Томонлар илмий, маданий, ижодий, жамоат ташкилотлари ва уюшмалари ўртасида алоқа ва алмашувларни ўрнатиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, кўрсатиб ўтилган йўналишларда қўшма дастур ва тадбирларни амалга ошириш орқали гуманитар соҳадаги ҳамкорликни ривожлантирадилар.

Томонлар миллий таълим ва фан тизимларининг яқинлашувини ҳар томонлама рағбатлантирадилар. Улар ўқув юртлари, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик муассасалари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатишга, илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда, академик ҳамда амалий характерга эга бўлган қўшма тадқиқотларни амалга оширишга кўмаклашадилар.

Томонлар профессионал кадрларни тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик учун қулай шароитлар яратадилар. Улар олим ва мутахассислар, олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчи таркиби вакиллари, аспирантлар, стажер ва талабаларнинг мунтазам алмашувини амалга оширадилар.

Томонлар гуманитар соҳада ҳамкорликнинг шартнома-ҳуқуқий базасини янада кенгайтириш ва такомиллаштиришга кўмаклашадилар.

**13-модда**

Ушбу Шартнома учинчи мамлакатларга қарши қаратилмаган ва Томонларнинг улар иштирок этган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга дахл қилмайди.

**14-модда**

Ушбу Шартнома унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларининг Томонлар бажаргани тўғрисида охирги ёзма хабар олинган кундан бошлаб кучга киради.

**15-модда**

Ушбу Шартнома муддатсиз характерга эга ва Томонлардан бири унинг амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда хабар қилмагунга қадар амал қилишдан тўхтамайди. Бу ҳолда, Шартнома бошқа Томон шундай хабарномани олган санадан бошлаб ўн икки ой ўтгач ўз кучини йўқотади.

Тошкент шаҳрида, 2004 йил 16 июнда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек ва рус тилларида тузилди, бунда иккала матн бир хил кучга эга.

**Ўзбекистон Республикаси номидан**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

**Россия Федерацияси номидан**
**Россия Федерацияси Президенти**
**В. ПУТИН.**

## *Энг яхшилар тақдирланди*

Инсон ҳаётининг мазмуни унинг саломатлиги билан белгиланади. Сиҳат-саломатлигимиз эса кўп жиҳатдан шифокорларга боғлиқ. Беморга қалб қўридан жой бериб, жонига оро бўлувчи бу соҳа вакиллари ҳар қанча эъзозга лойиқ. Куни кеча Тиббиёт ходимларининг касб байрами кенг нишонланган Республика врачлар малакасини ошириш институтида тиббиётчиларнинг шарафли меҳнати яна бир бор эътироф этилди.

Тантанада Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров сўзга чиқиб, соғлиқни сақлаш тизимида эришилган ютуқларнинг барчасида тиббиёт ходимларининг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлаб ўтди.

Тадбирда, шунингдек, йилнинг энг яхши шифокори, ҳамшираси ва тиббиёт муассасасига эсдалик совғаси ҳамда пул мукофотлари топширилди.

**Камола МИРЗААҲМЕТОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



## *"Электромаш"нинг залворли одимлари*

Қўқон шаҳридаги "Электромаш" масъулияти чекланган жамият Асакадаги "ЎзДэуавто" қўшма корхонасига йигирма хилдан зиёд бутловчи қисмлар етказиб беради. Маҳсулотларнинг сифатли бўлиши эса, энг аввало бу ерда ишлаётган чилангару пайвандчиларнинг ўз ишига бўлган масъулиятига боғлиқ.

Бахтиёржон Нажмиддинов бир неча йилдирки ушбу корхонада чилангар бўлиб ишлайди. У ёш бўлишига қарамай аллақачон бир неча шогирдлар тайёрлашга ҳам улгурган.

— Автомобилсозлик саноати ривожига баҳоliқудрат ҳисса қўшаётганимиздан хурсандмиз, — дейди Бахтиёржон (суратда) ўз ишидан мамнун жилмаяркан.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

## *Тошкент саммити:* ҲАМФИКРЛАР УЧРАШУВИ

"Тошкент форумида Ҳамид Карзай ва у бошқараётган маҳкаманинг юқори мартабали аъзолари, жумладан, ташқи ишлар вазирининг иштирок этиши Афғонистоннинг ШҲТга аъзо мамлакатлар билан ҳамкорликка катта аҳамият қаратаётганидан яққол далолатдир", — дейди ушбу мамлакатнинг БМТдаги доимий вакили Равон Фарҳодий. "Ҳеч шубҳа йўқки, ШҲТ минтақавий хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарали механизмига айланади".

Исроил ҳукуматининг собиқ вазири, ҳозирда "Миллий бирлик" парламент фракцияси раиси Авигдор Либерман Тошкент саммитига Афғонистон ўтиш маъмурияти раҳбарини таклиф этиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлаган. Зотан, барқарор тараққиёт йўлига қадам қўйган бу мамлакат минтақа ва бутун дунё учун муҳим аҳамиятга эга. "Бутун дунё террорчилари аллақачон халқаро террор иттифоқи бўлиб бирлашган. Бугунги кунда жаҳонда ушбу офатга қарши курашда ўзаро бирлашиш жараёни кузатилмоқда ва бу борада қўшни давлатлар билан бир қаторда Россия ва Хитой билан ҳам амалий ҳамкорликни ривожлантириш учун ўз имкониятларидан тўлақонли фойдаланаётган Ўзбекистоннинг ўрни салмоқлидир", деб таъкидлаган у.

Тожикистон Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар маркази директорининг ўринбосари С.Сафаровнинг фикрича, Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитасининг очилиши ШҲТ мақсадларини амалга ошириш борасидаги аниқ саъй-ҳаракатлар босқичини бошлаб беради. Тожикистонлик мутахассис ШҲТ котибиятининг Пекиндаги ва МАТТнинг Тошкентдаги доимий фаолияти "мазкур ташкилот ўз олдига қўйган барча вазифаларнинг тезкор ва амалий ечимларини топиш" учун катта аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Кўпчилик журналистлар саммит ишининг мукаммал ташкил этилгани билан бир қаторда уни ёритишда иштирок этган журналистлар учун қулай шароитлар яратилганини эътироф этишмоқда.

— ШҲТнинг Тошкент саммити нафақат президентлар, балки журналистлар учун ҳам юксак даражада ташкил этилди, — деди анжуман матбуот марказига ташриф буюрган Хитойнинг "Ориент монинг пост" газетаси мухбири Юнг Ичен. — Биз мамлакатингизнинг иқтисодиёт соҳасидаги ютуқларининг бевосита шоҳиди бўлиш, Ўзбекистон пойтахтининг тарихий ва маданий масканлари билан танишиш имкониятидан беҳад мамнунмиз. Ишончим комилки, ушбу саммитдан сўнг давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар халқларимиз фаровонлиги йўлида янада мустаҳкамланади.

**"Жаҳон" АА.**

*Акс-садо*

# Вилоятлар — мамлакат карвонлари

***«Халқ сўзи»нинг 2004 йил 8 июнь сонида эълон қилинган ёзувчи Эркин Аъзамнинг «Ҳоким, ҳолва, ғурур ва андиша» сарлавҳали публицистик мақоласини мириқиб ўқиб чиқдим. Газетада ана шундай мағзи тўқ, мантиқ-мазмунли материаллар кўпроқ бериб борилса, қандай яхши!***

Ушбу мақола ўринли ва ўз вақтида ёритилганлиги билан ибратлидир. Вилоятлар — мамлакатимизнинг таянч нуқталари, турли ноз-неъматлар ва хомашёлар етказиб берувчи базалари, катта карвонлари ҳисобланади. Уларнинг ҳокимлари эса муҳтарам Юртбошимизнинг суянч тоғлари саналади. Вилоятларнинг нечоғлик юксалиши ё аксинча, оқсаши, шубҳасиз, ҳокимларга боғлиқ. Бу сир эмас.

Давлат раҳбарининг ҳар бир гапи эса мамлакат фуқаролари учун вожибдир.

Шундай экан, нима учун айрим вилоятларнинг ҳокимлари қисқа вақт ичида юрар йўлларидан адашиб, қилар ишларини унутиб қўяётирлар? Нега улар ўзларига билдирилган юксак ишончни оқламаётирлар? Айб кимда?

Бировга жабр кўрсатган киши — қонун бўйича жавоб беради. Энди ўзингиз айтинг: минглаб одамларга маънавий жиҳатдан, ҳам моддий жиҳатдан «зарар келтирган» вилоятни тараққиёт йўлига олиб чиқиш ўрнига уни таназзул сари бошлаётган, эл-улуснинг ишончини оқламаётган ҳоким «боболар» қилмишларига яраша жазоланаётирларми?

Бошқа ишга ўтказилганини, бу билан ўзи учун яна бир карра имкон берилаётганини — ана шу олийжанобликни қай бири билдийкин? Шу ҳақда қонуншуносларимиз бир ўйлаб кўрсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ахир, айтиб қўйибдиларку:

*«Арғумоқ остингдадир,*
*чўлларни кез,*
*тоғларни кез,*
*Ногаҳон бул*
*арғумоқ остингда*
*бўлғай-бўлмағай»* деб.

Яна камдан-кам учрайдиган бир тоифа бузруклар бор: ердай вазмин, баҳри уммондай теран, мевали оғочдай хайрли. Ишнинг кўзини биладиган, ўқимишли, ҳалол, ростгўй. Ҳар қандай ишнинг чироғини ёндирадиган. У ишни эмас, иш уни излаб юрадиган. Бироқ куни ўтмай қолса ҳам, ўртага одам қўйиб, амал курсисини сўрамайдиган, иш изламайдиган, ориятли. Кошкийди ана шундай кишиларнинг қадрига етсак, гавҳарни сополдан ажрата олсак. Улардан самарали фойдалана олсак.

Яна бир тур олғирлар ҳам бор: ҳокимни ҳар қандай йўл билан йўлдан оздира оладиган. Ҳокимнинг бу енгидан кириб, у енгидан чиқадиган. Ҳар қандай хизматини қилишдан қайтмайдиган.

Ор-номусини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, ҳокимга ўзларини садоқатли қул қилиб кўрсатувчи хавфли каслар — ана шулар. Мақсад битта: ҳам хўрдадан уриш, ҳам бурдадан.

Вилоят ҳокими — эл оғаси, эл отаси ҳисобланади. У оила аъзолари билан эл-улусни бирдай кўриши керак. Оиласидан кўра юрт ташвишини афзал билган ҳокимни эса эл-юрт бошига кўтаради.

Ривоят қилишларича, қадим Шарқда бир вилоят ҳокими эл қатори яшар экан. Ҳайит кунлари яқинлашай деганда, бир ўғли либос кийиш учун отасидан ақча сўрабди. Ҳокимнинг ҳамёни қуруқ экан. Ўғлининг лаби-лунжи осилибди. «Ҳайит куни ҳамма тенгқурларим янги эгни-бош кийиб чиқсалару, мен ҳокимнинг ўғли бўла туриб, эски кийим билан улуғ айёмни кутиб оламанми?» дебди.

Ҳоким ўғлига «Бориб хазинабонга айт. Келаси ойдаги маошим ҳисобидан бироз ақча бериб турсин. Берган пулига истаган нарсангни оларсан» дея хазинабонга юборибди. Хазинабон «Янаги ойгача ким бор, ким йўқ. Менинг давлат хазинасидан насия беришга ҳаққим йўқ» деб ҳокимнинг ўғлини қайтарибди. Бундан ҳоким хафа бўлиш ўрнига хазинабондан миннатдор бўлибди. «Давлат мулкини ҳақиқий одамга ишониб топширган эканман» деб.

Бу ҳикоят тўқилган эмас, бўлган воқеа. Шунинг учун у неча замонлардан бери тилдан тушмай келади.

Эҳтимол, вақтлар келиб, олимларимиз раҳбар бўладиган кишининг виждони билан жиғилдони, нафси билан нафаси, ҳиммати билан ҳамиятини кўрсатиб турувчи бирор аппарат ўйлаб топарлар. Минг афсуски, бундай аппарат ҳали ихтиро этилганича йўқ. Аммо умидимиз бор...

Юқорида айтилган фикрлардан муддао шуки, 2001-2002 йиллар сирдарёликлар учун омадсиз келди. Ёш ҳоким карвонни тортолмади. Вилоятда иш олдинга қараб жилмади. Кадрлар иқтидор-имонига қараб эмас, ҳамёнига қараб танланди. Уриб-сўкиб ишлатиш одат тусига кирди. Пировардида, ҳоким кетар чоғида одамларнинг гапига қолди.

2002 йилнинг охирида муҳтарам Юртбошимизнинг назарларига тушган, бир эмас, бир неча синовлардан тиниқ ўтган, киндик қони шу воҳа тупроғига тўкилган киши ҳокимликка тавсия этилиб, тасдиқланди. Иш нолдан бошланди. Вилоят меҳнаткашлари оёққа турди. Кишиларнинг кайфияти, руҳи кўтарила борди. Аввалги йиллар жароҳатидан қолган асоратларга ташхислар қўйилди.

Ишқилиб, охири бахайр бўлсин. Айтиб қўйибдиларку: «Минг қўшчига бир бошчи» деб. Гап, Эркин Аъзам айтганидай, неча-неча синовлардан ўтган, ўз ғамини эл ғами, ўз қувончини эл қувончи ўрнида кўрадиган, туби-теги тоза эр-азамат йигитларни танлашда. Халқ депутатларининг эл-юрт тақдири ҳақида сўз бўлаётган сессия пайтларида эснаб ўтириб, эснаб кетмасликларида. «Кемага тушганнинг жони бир» деган гўзал ҳикматга тўлиғича амал қилишларида. Э, менга ни-ма-а-я, деган гапдан ҳазар қилишларида.

Улуғ бобомиз, шеъриятимизнинг даҳоси Алишер Навоий ҳазратлари ёзганларидек,

*То нафсу ҳаво қасри*
*барбод ўлмас,*
*Эл шод ўлмас,*
*мамлакат обод ўлмас.*

**Тўра СУЛАЙМОН.**
**Гулистон шаҳри.**

## *Қорақалпоғистонда биринчи*

Элликқалъа тумани ғаллакорлари жорий йил ҳосили учун 2800 гектар майдонга уруғ қадашганди. Пировардида гектаридан 30 центнердан сара дон олиб, давлат қабул хирмонига 3421 тонна ғалла топширдилар. Унинг 600 тоннадан зиёди уруғлик буғдойни ташкил қилади.

Уюлган хирмонга тумандаги "Амиробод", Одилов, Ал-Хоразмий номли, "Янгиер", "Қирққиз" ширкат ва фермер хўжаликлари муносиб улуш қўшишди.

Ўрим-йиғим пайтида "Класс ", "Анхолланд" комбайнларидан унумли фойдаланилгани боис етилган ғалла тез ва сифатли йиғиштириб олинди.

Ҳали туман далаларида ҳосил мўл. Ғаллакорлар ялпи ҳосилни 14 минг тоннага етказиш учун сидқидил меҳнат қилишмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

# Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳамда шаҳардаги, шаҳарчадаги, қишлоқдаги ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), шунингдек унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

**3-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг асосий принциплари**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови демократизм, ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда тегишли ҳудудда доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади), жинси, ирқий ҳамда миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ҳамда ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда фуқаролар йиғинининг ҳар бир

2

Қирқиш чизиғи

таси ҳам сайланмаган бўлса.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси такрорий сайлови ушбу Қонуннинг талабларига риоя этилган ҳолда кўпи билан бир ойлик муддат ичида ўтказилади.

**28-модда. Бўшаб қолган ўринларга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси сайлови**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси ваколатлари муддатидан илгари тугатилган бўлса, тегишли фуқаролар йиғинларида ушбу Қонуннинг талабларига риоя этилган ҳолда янги сайлов ўтказилади.

## V. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

**29-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари асосида фуқаролар йиғини органларини шакллантириш**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари асосида фуқаролар йиғини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролар йиғини кенгашини шакллантиради, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларни ва фуқаролар йиғини тафтиш комиссиясини, шунингдек маъмурий комиссияни сайлайди.

**30-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари устидан шикоят қилиш**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари юзасидан фуқаролар йиғини қабул қилган қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

**31-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 29 апрель.

11

Қирқиш чизиғи

Давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига кўмаклашишлари, зарур ҳолларда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлашлари шарт.

## II. ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**8-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш муддатлари**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш муддатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

**9-модда. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларни тузиш**

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ҳамда шаҳарлар ҳудудида тегишинча фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари (бундан буён матнда комиссиялар деб юритилади) тузилади.

Комиссиялар тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органининг қарори билан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш даври учун тузилади.

Комиссиялар таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғинларининг, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари киритилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар комиссияга аъзо шахслар орасидан кўрсатилган бўлса, улар комиссия таркибидан чиқарилади.

**10-модда. Комиссияларнинг ваколатлари**

Комиссиялар:

ушбу Қонун ижро этилишини таъминлайди ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг

4

Қирқиш чизиғи

Овоз берувчи тўлдирилган овоз бериш бюллетенини сайлов қутисига ташлайди.

Сайлов қутилари овоз бериш тугаганидан кейин саноқ комиссияси томонидан очилади.

**22-модда. Овозларни санаб чиқиш**

Овозлар саноқ комиссияси томонидан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига ҳар бир номзод бўйича санаб чиқилади.

**23-модда. Саноқ комиссиясининг баённомаси**

Овозларни санаш натижалари бўйича саноқ комиссияси томонидан баённома тузилади.

Саноқ комиссиясининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

фуқаролар йиғини иштирокчиларининг умумий сони;

овоз беришда қатнашган фуқаролар йиғини иштирокчиларининг сони;

яширин овоз бериш ўтказилганида бюллетень олган фуқаролар йиғини иштирокчиларининг сони;

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига ҳар бир номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сони;

яширин овоз бериш ўтказилганида ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сони.

Баённома саноқ комиссиясининг раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

Баённома саноқ комиссиясининг раиси томонидан ўқиб эшиттирилади ва фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланади.

**24-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови якунларини чиқариш**

Фуқаролар йиғинида ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпининг овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига сайланган ҳисобланади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови якунлари бўйича фуқаролар йиғини қарор қабул қилади ҳамда мазкур қарор фуқаролар йиғинида раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади.

Фуқаролар йиғини баённомаси икки нусхада тузилиб, битта нусхаси сайлов якунларини умумлаштириш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига тақдим этилади.

Туман ва шаҳар комиссиялари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунларига доир умумлаштирилган маълумотлар-

9

Қирқиш чизиғи

гуруҳи деб юритилади) тузилади.

Ишчи гуруҳи таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари киритилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари ишчи гуруҳи таркибига киритилиши мумкин эмас.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар ишчи гуруҳига аъзо шахслар орасидан кўрсатилган бўлса, улар ишчи гуруҳи таркибидан чиқарилади.

**12-модда. Ишчи гуруҳининг ваколатлари**

Ишчи гуруҳи:

фуқаролар йиғини ўтказиладиган кун, вақт ва жойни белгилайди ҳамда йиғин ўтказилишидан камида беш кун олдин бу ҳақда тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилади;

фуқаролар йиғини иштирокчиларини рўйхатга олади;

тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлайди;

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради;

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларининг такрорий сайлови ўтказилишини ташкил этади;

фуқароларнинг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқади.

Ишчи гуруҳи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**13-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш учун фуқаролар йиғинини (вакиллар йиғилишини) чақириш**

Фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чақирилади ва ўтказилади.

Фуқаролар вакилларининг йиғилишига ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалардан уларда яшовчиларнинг умумий йиғилиши қарори билан сайланадиган намояндалар вакил қилинадилар. Вакиллик нормасини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича тегишли туман ёки шаҳар мувофиқлаштириш кен-

6

Қирқиш чизиғи

гаши белгилайди.

## III. ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ ВАЗИФАСИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ

**14-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатлар туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига сайловдан камида ўн кун олдин топширилади.

**15-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодларга қўйиладиган талаблар**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар, қоида тариқасида, олий маълумотли бўлиши ва сайлов куни тегишли ҳудудда доимий яшаб турган бўлиши, шунингдек ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

**16-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчиларининг миқдорий таркибини белгилаш**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчиларининг миқдорий таркиби ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалардан вакилликни ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини томонидан белгиланади.

**17-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари вазифасига номзодлар тақдим этиш**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари вазифасига номзодлар фуқаролар йиғини кўриб чиқиши учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан тақдим этилади.

7

Қирқиш чизиғи

















Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманининг «XORIJDA TA'LIM» масъулияти чекланган жамияти, ОКПО коди 18657485 тугатилади.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади.
Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,
Халқлар Дўстлиги кўчаси, 1«А»-уй Тел: 144-48-46





Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси вазирликнинг кадрлар ва ўқув юртлари бошқармаси бошлиғи Ҳакимжон Ҳамидовга падари бузруквори

**Иномжон ота ҲАМИДОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги жамоаси вазирликнинг бўлим бошлиғи ўринбосари Иноғомжон Арипджановга волидаи муҳтарамаси

**МИНОВАР онанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Фармацевтика институти жамоаси институт иқтисодиёт ва тадбиркорлик бўйича проректори Эргаш Мирсаидовга онаси

**САБОҲАТ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —669. 28745 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[Т]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.30 Топширилди — 23.40 1 3456